O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOP PALATA
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 5 июнь № 119 (3394) Шанба






## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 июнь куни Оқсаройда Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси, Тожикистон Республикаси хавфсизлик кенгаши котиблари Игор Иванов, Булат Утемурадов, Амирқул Азимов, Қирғизистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши котибининг ўринбосари Мукамбек Қосималиев ва Хитой Халқ Республикаси жамоат хавфсизлиги вазирининг ўринбосари Ян Хуаньнинни қабул қилди.

Меҳмонлар Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) саммити арафасида Марказий Осиёдаги геосиёсий вазиятга, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликка оид долзарб масалаларни муҳокама қилиш учун Тошкентда йиғилди.

Мамлакатимиз Президенти хавфсизлик борасида давлат раҳбарлари даражасида кўриладиган кўплаб масалалар бўйича қарашлар ва ёндашувларни ўзаро мувофиқлаштириш учун қулай имконият яратган бу учрашув томонларнинг умумий манфаатлар йўлидаги интилишларини яна бир карра тасдиқлаганини таъкидлади.

ШҲТ доирасидаги муносабатларда хавфсизликни мустаҳкамлашдаги ҳамкорликни ривожлантириш долзарб масалалардандир. Шу нуқтаи назардан қараганда, саммит арафасида бевосита шу соҳага мутасадди вакилларнинг бир жойга йиғилиши, ўзаро фикр алмашиши муҳим воқеа.

Меҳмонлар қабул учун Президент Ислом Каримовга миннатдорлик билдирдилар. Ўзбекистон илгари сураётган таклиф ва ташаббуслар ШҲТни ривожлантиришда муҳим омил бўлишига барча аъзо давлатлар қатъий ишонишини таъкидладилар.

Учрашувда ШҲТ саммитига тайёргарлик ва минтақавий хавфсизликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**СУРАТЛАРДА: қабул пайти.**
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.**

## Ҳамкорлик ва минтақавий интеграция халқларимиз манфаатига хизмат қилади

***Аввал хабар қилинганидек, шу йил 28 май куни Қозоғистон Республикаси пойтахти Остона шаҳрида "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.***

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилотининг охирги саммитидан буён бирмунча вақт – қарийб бир йил ўтганини, бугунги кунда минтақада ва унинг атрофида рўй бераётган ўзгаришлар, мураккаб жараёнларни ҳар томонлама ва холис муҳокама этиш ҳамда баҳолаш учун имконият туғилганини таъкидлади. Мазкур ташкилотнинг ролини янада кучайтириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш билан бевосита боғлиқ бўлган фикр-мулоҳаза ҳамда таклифларини баён этди.

Биринчидан, минтақамиздаги ҳозирги аҳволга холисона баҳо берадиган бўлсак, — деди И.Каримов, — шуни таъкидлаш жоизки, "Марказий Осиё ҳамкорлиги"га аъзо давлатлар изчил ривожланаётган, Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш ва мамлакатни тиклаш жараёнлари давом этаётган бўлишига қарамай, умуман олганда, Марказий Осиё минтақасида, таъбир жоиз бўлса, стратегик ноаниқлик вазияти сақланиб қолмоқда.

Бугунги кунда минтақамиз жаҳон сиёсатида, бой табиий захиралар, минерал-хомашё ва биринчи навбатда, углеводород ресурсларидан фойдаланишда ўзининг муҳим геосиёсий ва геостратегик аҳамияти ва мавқеини сақлаб келмоқда. Бу ерда дунёнинг энг қудратли давлатлари ва бизга қўшни мамлакатларнинг манфаатлари уйғунлашаётгани, баъзан эса тўқнаш келаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Айрим мамлакатларнинг бу минтақада ўз таъсирини сақлаб қолишдан манфаатдор эканликларига қарамай, уларнинг ўз олдига қўйган асл пировард мақсад ва вазифалари ҳалибери тўла аён эмаслигини исботлашга ҳожат йўқ, деб ўйлайман, деди Ислом Каримов фикрини давом эттириб. Афсуски, минтақада хавфсизлик ва барқарорликка нисбатан хавф ҳамда таҳдид кучлилигича қолмоқда. Террорчилик ва экстремизм қайта куч тўплаб, қўпорувчилик фаолиятини яна жонлантирмоқда. Наркоагрессия хавфи камаймаяпти, қўшни минтақаларда беқарорлик аломатлари сақланиб қолмоқда.

Бундай ҳолат минтақада вазиятнинг ривожланишини олдиндан кўра билиш ва белгилашда ноаниқлик ва мавҳумликни вужудга келтиради. Бу эса минтақадаги ҳар қайси давлат ва халқлар манфаатларига таъсир ўтказмаслиги мумкин эмас.

Президент Ислом Каримов бугунги кунда энг долзарб, ғоят муҳим вазифа — нафақат бу борадаги умумий позициямизни, балки дунёда кучайиб бораётган хавф ва таҳдидларни инобатга олган ҳолда, минтақада юзага келаётган вазиятга мос чора-тадбирлар дастурини биргаликда ишлаб чиқиш зарур, деган фикрни олға сурди.

Марказий Осиёда хавфсизлик тизимларини шакллантириш ва интеграция жараёнларининг ривожланиши масаласида эса халқларимизни, ушбу минтақада яшаётган барча одамларни ташвишлантираётган муаммолар, энг аввало, уларнинг хавфсизлиги, тинч ва барқарор келажагини таъминлаш масалаларини, жумладан, транспорт-коммуникация, сув-энергетика, экология ва мамлакатларимиз ҳамда халқларимизнинг манфаатларига дахлдор бўлган бошқа муаммоларни ҳал этишни назарда тутадиган умумий сиёсий платформани биргаликда ишлаб чиқиш лозим.

Ҳаммамиз бир нарсани чуқур англаб олишимиз керак, деди Президент, минтақа хавфсизлиги муаммолари, ҳар бир мамлакатда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш — буларнинг барчаси бизнинг келажагимизга дахлдор бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган масалалардир.

Шу маънода, "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилотининг минтақада кўп томонлама ҳамкорликни амалга оширишнинг муҳим институтларидан бири сифатидаги аҳамияти кескин ошмоқда. Бугунги кунда унга дунёнинг етакчи давлатлари ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг қизиқиши ортаётгани бежиз эмас.

Агар биз Марказий Осиё умумий бозорини босқичма-босқич шакллантиришга интилишимиз ҳақида узил-кесил фикрга келсак ва бу ҳақда принципиал қарор қабул қилсак, шунда бизнинг имкониятларимизга ва минтақамизга нисбатан қизиқиш янада, айтган бўлардимки, беқиёс даражада ортади, дея таъкидлади Президент.

Фикримизча, бундай бозор товарлар ва хизматлар, меҳнат ва сармоянинг умумий, йирик ва кенг бозори бўлиши керак. Тор миллий чегараларга бўлинмаган мана шундай бозоргина иқтисодиётнинг барча тармоқларига катта ҳажмдаги инвестициялар оқимини барқарор жалб этиш учун имкон яратади.

Айни вақтда иқтисодий, сув-энергетика, транспорт-коммуникация, экологияга доир умумминтақавий вазифаларни ҳал қилиш, жаҳон хўжалик тизимида Марказий Осиёнинг ўзига хос афзалликларидан оқилона фойдаланиш учун самарали механизмларни шакллантириш зарур. Биз Марказий Осиё кўпчилик давлатларнинг манфаатлари жамланадиган, баъзан эса тўқнаш келадиган минтақага айланиб қолгани тўғрисида кўп

**(Давоми 2-бетда).**

## ҲАР БИР ФАРЗАНДГА МЕҲР, ЭЪТИБОР!

***Юртимиз ҳурриятга юз тутган илк кунларданоқ ўсиб келаётган ёш авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш Президент Ислом Каримов ташаббуси билан давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.***

"Туркистон" саройининг ёзги саҳнасида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган катта байрам тадбири бўлиб ўтди. У "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси, "Sen yolg`iz emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

"Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!" шиори остида ўтган тадбирда юртимиздаги барча «Меҳрибонлик уйлари», махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, вазирлик ва ташкилот мутасаддилари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова мамлакатимизда оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами хусусида сўз юритди. "Sen yolg`iz emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси ҳомийлик кенгаши раиси Л.Каримова болаларни байрам билан қутлаб, "Бахт-иқбол ҳуқуқига эгаман" республика кўрик-танлови ғолибларига мукофотларни топширди.

Меҳр ва мурувват йилида соғлом авлодни камол топтириш борасидаги эзгу ишлар кўлами янада кенгайди. Бу юмушлар "Меҳр ва мурувват йили" дастурида ҳам ўз ифодасини топган.

Байрамда болалар бадиий жамоалари мусиқий дастурларини намойиш этдилар.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов иштирок этди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар хавфсизлик кенгаши котибларининг учрашуви ҳақида

## АХБОРОТ

Ўзбекистон ташаббуси билан 2004 йил 3-4 июнь кунлари Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ)га аъзо давлатлар хавфсизлик кенгашлари котибларининг биринчи учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда Қозоғистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши котиби Б.Утемурадов, Хитой Халқ Республикаси жамоат хавфсизлиги вазири ўринбосари Ян Хуаньнин, Қирғизистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши котибининг ўринбосари М.Қосималиев, Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котиби И.Иванов, Тожикистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши котиби А.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгаши котиби Р.Мирзаев иштирок этди.

Мажлис Ўзбекистон томони раислигида ўтказилди.

Учрашув қатнашчилари ШҲТнинг доимий фаолият кўрсатувчи органлари иш бошлагач, ташкилот ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйгани — турли соҳаларда амалий ҳамкорлик кенгайиб, чуқурлашиб бораётганини таъкидладилар. Бўлажак Тошкент саммити ШҲТнинг янги имкониятлари ва ривожланиш истиқболларини белгилашда, унинг хавфсизлик, барқарорлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги мавқеини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Учрашув давомида халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назаридан ШҲТ ҳудудида ва унга қўшни минтақаларда вазиятнинг ривожланишига оид долзарб масалалар юзасидан батафсил фикр алмашилди.

ШҲТга аъзо мамлакатларнинг халқаро террорчилик, айирмачилик ва экстремизм, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланмаси, оммавий қирғин қуроллари тарқалиши хавфи, ёлланмачилик ҳамда минтақавий ва глобал хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид соладиган бошқа иллатларга қарши курашдаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашнинг энг муҳим масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув қатнашчилари дунёда террорчиликнинг фаоллашуви ўз жиноий фаолиятида ёвуз ва маккорона услубларни тобора кўпроқ қўллаётган халқаро террорчилик ташкилотлари кучини қайтадан тўплаётганидан далолат беришини қайд этдилар.

Бундай шароитда ШҲТга аъзо мамлакатларнинг янги таҳдид ва хавф-хатарларга қарши биргаликда курашиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Учрашув иштирокчилари халқаро террорчилик ва айирмачиликка, экстремизм ва ақидапарастлик ғояларига қарши курашда ШҲТга аъзо мамлакатлар ҳуқуқ-тартибот органлари, махсус хизматлари ва бошқа тузилмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида ягона ёндашув ва қўшма дастурларни ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидладилар.

Мазкур вазифаларни бажариш ШҲТнинг Тошкентдаги Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси амалий фаолиятининг асосий йўналишини ташкил этади.

Учрашув давомида иқтисодий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, минтақада интеграция жараёнини жадаллаштиришда ШҲТнинг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш зарурлиги қайд этилди. Зеро, бу ШҲТга аъзо мамлакатларда ва, умуман, минтақада тинчлик, барқарорлик ҳамда хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шартидир.

Учрашув иштирокчилари Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва мамлакатни тиклаш бўйича ижобий жараёнларни қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Афғонистоннинг марказий ҳукуматига иқтисодиётни тиклашда амалий ёрдам кўрсатиш, ушбу мамлакатни минтақавий интеграция жараёнига жалб этиш унинг ҳудудидан чиқаётган ва халқаро барқарорлик ҳамда хавфсизликка таҳдид солаётган иллатларни бартараф этишда муҳим омил бўлиши мумкин.

ШҲТнинг бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар ва давлатлар билан ҳамкорлик қилиши зарурлиги борасида якдил фикр билдирилди.

ШҲТга аъзо мамлакатлар хавфсизлик кенгашлари котибларининг учрашувларини мунтазам ўтказиб туришга келишиб олинди. Бундай учрашувларни ўтказиш Тартиби тасдиқланди.

Анжуман иштирокчилари ШҲТнинг Тошкентда 2004 йилнинг бошидан буён фаолият кўрсатаётган Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг Ижроия қўмитасида бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ШҲТга аъзо мамлакатлар хавфсизлик кенгашлари котибларини қабул қилди.

## ШҲТ саммити кенг ёритилади

Маълумки, шу йилнинг 16-17 июнь кунлари Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити бўлиб ўтади. Унда ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларидан ташқари, Афғонистон ва Мўғилистон давлатлари бошлиқлари ҳам иштирок этиши кутилаяпти. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ШҲТнинг Тошкент саммитига дунёда қизиқиш жуда катта, Бу халқаро тадбирни оммавий ахборот воситаларида кенг ва батафсил ёритиш журналистлардан катта масъулият талаб қилади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати журналистлар учун семинар-кенгаш ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби Р. Жумаев тадбирни матбуотда ёритиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирди. Таъкидландики, Тошкентдаги бизнес марказда маҳаллий ва хорижий журналистлар учун матбуот маркази ташкил этилди. Марказ телефон, факс, компьютер ва бошқа зарур замонавий техника билан таъминланади. Хуллас, журналистларнинг воқеани кенг ёритишлари учун барча имкониятлар яратилмоқда.



Олий Мажлисда

## Она табиат кўмакка муҳтож

Кеча Олий Мажлиснинг Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари, Ижтимоий масалалар ва бандлик, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмиталари ҳамда Экология ва саломатлик халқаро "Экосан" жамғармаси ташкилотчилигида "Қонунчилик, маданият ва атроф муҳит" мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Унда табиий ресурслар — ер, сув ва бошқа қазилма бойликлардан фойдаланишда соҳага оид қонун ҳужжатларига амал қилиш ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчи эканлиги алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, кейинги йигирма-ўттиз йилда минтақамизда экологик муаммолар юзага келди. Тўғри, мустақиллик йилларида экологик муносабатларни тартибга солувчи қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Шунингдек, бу қонунларни бузганлар жиноий, маъмурий, интизомий, мулкий жавобгарликка тортилмоқда. Лекин бугунги экологик вазият аҳолининг экомаданиятини тубдан юксалтиришни тақозо этади. Бунинг учун оила ва боғчадан бошлаб болаларнинг табиатга бўлган меҳрини уйғотиш, шакллантириб бориш зарур. Бундан ташқари, аҳоли орасида изчил ва мунтазам тарғибот ишлари ўтказилиши ҳам айни муддао эканлиги айтилди. Анжуманда сўзга чиққанлар бу ўринда қадим аждодларимизнинг экоқадрияти — табиатга бўлган яқиндан муносабатини инобатга олиш ҳам фойдадан холи бўлмаслигини таъкидлашди.

**Худойберди ЭШМАНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**Муҳтарам муштарийлар!** *«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарига обуна давом этаётганлигини эслатган ҳолда таҳририят Сизнинг манфаатларингизни назарда тутиб, янги имтиёзни жорий этди: иккинчи ярим йиллик обуна нархи 25 фоизга арзонлаштирилди! Обуна бўлишга шошилинг!*

# Ҳамкорлик ва минтақавий интеграция халқларимиз манфаатига хизмат қилади

(Давоми. Боши 1-бетда).

гапирамиз, аммо бунинг сабаблари ва омиллари хусусида ҳар доим ҳам изоҳ беравермаймиз. Ваҳоланки, сўнгги йилларда дунёдаги йирик мамлакатларнинг Марказий Осиёга жиддий эътибор қаратаётгани кўпчилик учун, айниқса, давлат раҳбарлари учун сир эмас.

Ўзбекистон раҳбари Марказий Осиёда умумий бозорни яратиш мақсадлари ҳақида гапирар экан, бу борадаги энг асосий вазифаларни таъкидлаб ўтди:

Марказий Осиё минтақаси беҳад бой бўлган табиий, сув-энергетика, минерал-хомашё ресурслари ва инсон салоҳиятидан мазкур бозорга кирувчи ҳар бир мамлакат манфаати йўлида оқилона фойдаланиш ва бу ишни такомиллаштириш;

қулай инвестиция муҳити ва минтақага хорижий инвестицияларни жалб этиш учун шароит яратиш борасида ягона ёндашув ва стратегияни шакллантириш.

Бир сўз билан айтганда, Марказий Осиё умумий бозорини ташкил этишдан асосий мақсад — МОҲ ташкилотига аъзо давлатларнинг жаҳон ва минтақа бозорларидаги ялпи рақобатбардошлигини ошириш ҳисобига ушбу мамлакатлар аҳолиси турмуш даражасини юксалтириш ва иқтисодиётини жадал ривожлантиришдан иборат.

Ўйлайманки, бу фикрни изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ, деди Ислом Каримов. Чунки ҳар бир мамлакат жаҳон бозорига ўз товарларини олиб чиқиш жараёнида жиддий муаммолар ва тўсиқларга учрайди. Умумий бозорни яратсак, бозоримизнинг ҳам, товарларимизнинг ҳам дунё ва минтақа бозорларидаги ялпи рақобатбардошлиги сезиларли даражада ошади.

Табиийки, бу ташаббуснинг амалга оширилиши муайян вақт талаб қилади. Дунёнинг бошқа минтақаларида шунга ўхшаш интеграция тузилмаларини яратиш учун 40-50 йил керак бўлган. Глобаллашув жараёни жадаллашаётган ҳозирги шароитда бунча кутиб туришга бизнинг вақтимиз йўқ.

Давлатимиз раҳбари, умумий бозорни жорий этиш учун учта асосий босқичдан ўтиш зарурлигини таъкидлади.

Биринчи босқичда тарифларнинг ягона, ўзаро мослаштирилган ва мақбул тизимини назарда тутувчи Божхона иттифоқини шакллантиришга ҳамда транспорт-транзит масалаларини ҳал этишга киришиш мумкин.

Иккинчи босқичда муайян чораларни қабул қилиш асосида Эркин савдо зонасини яратиш тўғрисидаги мавжуд битимни реал мазмун билан тўлдириш имконияти вужудга келади. Шу тариқа бу ҳужжат, ниҳоят, ишга тушиши ва амалий натижа беришини таъминлаш мумкин бўлади.

Ва ниҳоят, учинчи босқичда биз Марказий Осиёнинг том маънодаги умумий бозорини таъсис этишимиз мумкин. Унда сармоя ва иш кучининг эркин ҳаракатланиши учун шароит яратилади, соғлом рақобатни рағбатлантиришнинг антимонопол бошқарувини вужудга келтиришнинг ягона механизми яратилади.

Бу мураккаб йўлда кўплаб объектив ва субъектив, айтиш мумкинки, турли амбициялар билан боғлиқ қийинчиликларга дуч келишимиз мумкинлигини тан олишимиз керак. Бой имкониятларга эга минтақамизнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш йўлидаги вазифаларни ечиш учун бу муаммоларни енгиб ўтишимизга тўғри келади, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Ишончим комилки, фақат "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилотигина Умумий бозорни ташкил этишнинг асоси сифатида хизмат қилиши мумкин ва хизмат қилиши шарт, деган фикрга ҳамма қўшилади. Лекин бунинг учун унинг мавжуд тузилмаларидан фойдаланиш имкониятларини чуқур ўрганиб чиқиш, уларнинг ваколатларини белгилаш ва қарорлар қабул қилиш тартибини аниқлаш талаб қилинади. Ана шу тузилмалар негизида янги мувофиқлаштириш ва бошқарув органларини шакллантириш мумкин.

Шу муносабат билан мамлакатларимиз ҳукуматларига Умумий бозор концепциясини тайёрлаш топшириғини беришни таклиф этаман, деди давлатимиз раҳбари. Умид қиламанки, ташкилотнинг навбатдаги саммитида тегишли Қўшма Декларацияни қабул қилиш мумкин бўлади.

Ҳаммамизнинг эътиборимизда бўлиши керак бўлган иккинчи масала – бу минтақа хавфсизлигини таъминлаш ҳамда мамлакатларимизнинг ялпи, барқарор ривожланишига эришиш концепциясидир. Бу – Марказий Осиё ҳудудига кирмайдиган, аммо унинг тараққиётидан манфаатдор бўлган етакчи мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш, демакдир. Яна бир бор такрорлайман, минтақамиздаги мавжуд захиралар ва салоҳиятни рўёбга чиқаришда етакчи давлатлар билан ўзаро манфаатли ва минтақамиз учун ниҳоятда фойдали муносабатларни мустаҳкамлашдан манфаатдор бўлишимиз ва бунинг учун барча чораларни кўришимиз даркор.

Бу ерда гап ташкилотимизнинг айрим тадбирларида қатнашган кузатувчилар ҳақида кетаётгани йўқ. Айтиш мумкинки, амалий ҳамкорлик қилишдан кўра мониторинг олиб боришни, кўпинча эса ақл ўргатиб, ўз йўлига солишни хуш кўрадиганлар доимо топилади.

Биз Марказий Осиёда минтақавий интеграция жараёнларини ривожлантиришда иштирок этишга амалда интилаётган давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларининг механизмини ишлаб чиқишни тавсия этамиз.

Бизнингча, деди Ислом Каримов, бу ерда минтақамизни ривожлантиришда Россия Федерацияси алоҳида муҳим аҳамиятга эга экани ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ. У Марказий Осиёдаги геосиёсий ва геоиқтисодий жараёнларда доимо муҳим ўрин тутиб келган ва ҳозир ҳам шундай. Шимолий қўшнимизнинг минтақамиздаги узоқ муддатли стратегик манфаатларини ва унинг минтақавий хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлашдаги ўрнини эътироф этиш борасида барчамиз ҳамфикрмиз, десак, хато бўлмайди.

Минтақа мамлакатлари билан барча соҳаларда кенг ривожланган муносабатларга эга бўлган айнан Россия давлати МОҲ ташкилотининг ишончли шериги бўла олади. Бугунги мажлисимизда Россиянинг мазкур ташкилот фаолиятида тенг ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок этиши ҳақида қарор қабул қилиниши унинг ишида янгиланиш, бурилиш нуқтаси бўлади, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Узоқ йиллар давомида Афғонистондаги вазият тинчлик ва барқарорликка таҳдид солиб келди, деди Президентимиз. Бугун бу мамлакат жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида турганлиги боис минтақани ривожлантиришнинг ўзига хос омилига айланиши мумкин. Шу сабабли ҳам, мамлакатларимизнинг салоҳиятини Афғонистон иқтисодиётини тиклашга жалб этишимиз учун бугун барча асослар бор.

Яқинда Бишкекда ўтган кенгаш ушбу лойиҳани амалга ошириш бўйича мамлакатларимизни бирлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди. Биз бу имкониятларга етарли баҳо беришимиз керак. Бу, аввало, қурилиш саноатини, Афғонистон иқтисодиётини тиклашга ёрдам берувчи соҳаларни ривожлантириш, демакдир.

Мамлакатларимизнинг Афғонистонни тиклаш лойиҳаларини амалга оширишдаги иштироки бўйича МОҲ ташкилотининг қўшма ва мувофиқлаштирилган дастурини ишлаб чиқиш вазифаси тобора долзарблик касб этмоқда.

Тўхталиб ўтишимиз зарур бўлган охирги муҳим масала – бу "Ҳизбут таҳрир" сингари экстремистик гуруҳларнинг мамлакатларимиздаги фаолиятига доир муаммолардир, деди Ислом Каримов. Биз уларга қарши курашда ўз фаолиятини "тинч", "беозор" услублар асосида ташкил этадиган экстремистик ташкилотлар дунёда ўзи бўлиши мумкин эмаслигини чуқур англаган ҳолда ҳаракат қилишимиз керак. Бугунги кунда орамиздаги айрим дўстларимиз ниҳоятда хавфли бўлган ушбу кучга қатъий қаршилик кўрсатишдан ўзини четга олиш мақсадида масаланинг шу жиҳатига урғу бераётганлиги мени ниҳоятда ажаблантиради.

Яна бир бор такрорлайман, биз нафақат террорчилик билан, бегуноҳ одамларни портлатаётган ва ўлдираётган ёки гаровга олаётганлар билан курашмоғимиз лозим. Бу биз террорчилик, деб атаётган "найза"нинг учи, холос. Бу "найза"ни яратаётган, унга замин туғдираётган, ёшларнинг онгини заҳарлаб, террорчига айлантираётганлар ким? Бир жиддий мақолада айтилганидек, бугунги кунда шундай бир конвейер яратилганки, унда қандайдир афсонавий ақида учун, нариги дунёда жаннатга эришасан, деган сафсатага учиб ўзини нобуд қилишга ҳозир турган одамлар тайёрланади.

Бундай ёвуз хатарга бефарқ қараш, йўл қўйиб бериш мутлақо мумкин эмас.

Бу разил кучлар мамлакатда давлат бошқарувининг дунёвий, конституциявий тизимига нисбатан нафрат ва адоват, ғаразгўйлик ғоясини тарғиб қилади. Буларнинг барчаси охир-оқибатда зўравонлик ва террорчиликни келтириб чиқариши муқаррар, улар билан "ўйин" қилиш ўта хавфлидир, деди Президент.

Шу сабабли, ёшлар экстремистик ғояларга берилиб кетишининг олдини олиш мақсадида МОҲ ташкилоти давлатларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш, таълим-тарбия ва ижтимоий-сиёсий тузилмалари саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш механизмини ишлаб чиқиш вақти етди, деб ўйлайман.

Бизнингча, МОҲ ташкилотига аъзо мамлакатлар ҳукуматларига ҳам бу вазифани ечиш топшириғини бериш мақсадга мувофиқдир.

Халқларимиз, бугунги замон биздан ҳамкорлик ва минтақавий интеграция жараёнларини ривожлантиришни талаб этмоқда, деди Ислом Каримов пировардида.

Бугун муҳокама қилинаётган масалалар борасидаги биргаликдаги ҳаракатларимиз мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон МОҲ ташкилоти доирасидаги кўп қиррали ва самарали муносабатларни ривожлантириш учун ўзига боғлиқ барча ишларни амалга оширишга тайёрдир.

## *Илмий-амалий анжуман*

Кеча Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ва «Ўзбеккино» миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкил қилинган «Ўзбекистон кинематографи: ривожланиш тамойиллари ва истиқболлари» мавзусида илмий-амалий конференцияда ҳукуматимиз бошқа соҳалар қатори кино санъатига ҳам катта эътибор қаратаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Кинорежиссёрлар, драматург ва танқидчилар томонидан З. Мусоқовнинг «Абдуллажон», «Осмондаги болалар», Ю. Азимованинг «Тонг отгунча», Ю. Розиқовнинг «Нотиқ», Ш. Аббосовнинг «Феллине» каби бадиий фильмлари ўзбек киносининг ютуқлари сифатида баҳоланиб, хорижда ҳам томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинаётгани эътироф этилди.

Шунингдек, Ж. Тешабоевнинг «Миллий кинодраматургия муаммолари», Х. Абдулқосимованинг «1991-2004 йилларда Ўзбекистон бадиий киноси» каби маърузалари тингланиб, муҳокама қилинди.

**С. МУҚИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## *«Севинч» севинтиради*

Муҳаббатни тараннум этувчи "Севинч" романтик мелодрамаси пойтахтимиздаги катта экранларда намойиш этила бошланди. "Кўзгу СТВ" студияси томонидан суратга олинган ушбу фильмни уч ёш киноижодкор А. Шаҳобиддинов, Ё. Тўйчиев ва А. Ғаниевлар суратга олишган.

Фильмдаги асосий ролларни истеъдодли актёр Бобур Йўлдошев, ёш хонандалар Лола Йўлдошева ва Шаҳзода (Зилола Мусаева)лар талқин этишган. Шунингдек, фильм давомида эл севган санъаткорлар Ж. Зокиров, Г. Зокирова, Ф. Абдуллаевларни ҳам учратасиз.

***Санжар* ТУРСУНХЎЖАЕВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси.**

# Келажак авлодни кўзлаб

*табиий ҳудудларни муҳофаза этиш ҳамда мамлакатимизнинг экология тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш муаммолари*

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан унинг табиий ресурслари ҳолатига ҳам боғлиқ. Мамлакатимизда муайян биологик ресурслардан фойдаланилишини тартибга соладиган механизмлар мавжуд. Бироқ шунга қарамай, биологик ресурсларни бошқариш ва улардан фойдаланишга оид муаммолар тўлиқ ҳал этилмаган .

Ўзбекистон биологик ресурсларни асраш муҳимлигини эътироф этган ҳолда, «Биологик ранг-баранглик тўғрисида»ги, «Йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликлар турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисида»ги, «Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини сақлаб қолишга доир», «Асосан сувда сузувчи қушларнинг яшаш жойи сифатида халқаро аҳамиятга молик сув-ботқоқ майдонлари тўғрисида»ги конвенцияларга қўшилди.

Табиатни муҳофаза қилишнинг кейинги йилларда шакл топган назарияси ва амалиёти биологик ранг-барангликни сақлаб қолиш таъминланаётган ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизими ҳақидаги кўпгина тасаввурларни тубдан ўзгартириб юборди. Бундай ҳудудларни ривожлантириш муаммолари Каракас ва Дурбан шаҳарларида бўлиб ўтган жаҳон конгрессларида кўриб чиқилди. Биосфера резерватлари тизимини ЮНЕСКО йўли билан ривожлантириш мақсадида Биосфера резерватларига тааллуқли Севилья стратегияси ва Жаҳон биосфера резерватлари тармоғи тўғрисидаги низом, шунингдек, Ландшафт ва биологик ранг-барангликни сақлашга қаратилган Умумевропа стратегияси қабул қилинди. Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи томонидан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тоифаларининг мутлақо янги тизими ишлаб чиқилди. Унда бу хилдаги табиий ҳудудлар ресурсларидан фойдаланишни батамом ман этиш назарда тутилмаган. Қаердаки, иқтисодий наф, фойда олиш мумкин бўлса, уларни ўша ердан "барқарор ривожланиш механизмларига" таянган ҳолда олиш даркор. Биргина шарти – табиат мувозанатини бузмаслик зарур. Бинобарин, доривор ўсимликлар ўсадиган баланд тоғ ўтлоқларини пайҳон қилмаслик, ёнғоқзорларни хароб этмаслик ва экологик туризм ривожига зарар етказмаслик лозим.

Мамлакатимиз умумий майдонининг қарийб ўн фоизини қамраб олувчи муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг экологик барқарор тизимини яратиш халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган ва 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича Миллий стратегияси ва ҳаракатлар дастурида белгиланган асосий вазифалардан биридир. Шуниси ҳам борки, 1993 йилда қабул қилинган ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг илгариги тизими сақлаб қолинишига олиб келган "Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Қонунимиз мукаммал эмас. Бу шу йўналишда миллий стратегия қоидаларини тўлақонли тарзда амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Бизнингча, амалдаги Қонуннинг қуйидаги қоидаларини ўзгартириш зарур. Унинг "Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида" деб аталишининг ўзиёқ бутун эътиборни фақат қаттиқ муҳофаза тартиботига асосланган табиий ҳудудларга қаратади ва тизимнинг катта қисмини ташкил этиши лозим бўлган бошқа барча объектларни амалда диққат марказидан четроққа суриб қўяди. Тартиботи белгилаб қўйилмаганлиги эса чекланган хўжалик фаолиятига йўл қўйиладиган бундай табиий ҳудудларни, гарчи улар алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларга нисбатан тартиботда бирмунча енгилликларга эга бўлса-да, ривожлантириш имкониятини бермайди. Зотан, "алоҳида муҳофаза этиладиган" атамаси фақат қўриқхоналарга тааллуқли бўлиб, табиий ҳудудларнинг бошқа турларига унчалик мос келмайди.

Қонунда муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг аниқ таснифи йўқ. Бу эса уларнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб олишни ҳамда муайян вазиятда у ёки бу тоифа қўлланилишини қийинлаштиради. Қонун Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг таснифлаш тизими бўйича муҳофаза этиладиган ҳудудлар жумласига кирадиган ва биологик хилма-хиллик ресурсларидан барқарор фойдаланишни таъминлайдиган ўрмонзорлар ҳамда овчилик қилинадиган ерларни муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизими доирасидан четда қолдирган. Айни чоғда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар жумласига киритиш мумкин бўлмаган ботаника боғлари, дендрология боғлари, ҳайвонот боғлари ва бошқа шу сингари объектлар тўғрисидаги қоидалар ҳам мазкур қонунга кириб қолган.

Ҳозирги вақтда барқарор ривожланишга ўтишда энг муҳим объектлар деб эътироф этилган биосфера резерватлари деган тушунча қонунимизда йўқ. Амалдаги Қонунга мувофиқ, давлат биосфера қўриқхоналари қўриқхоналарнинг алоҳида тури бўлиб, улар бошқа қўриқхоналардан халқаро биосфера резерватлари тармоғига киритилганлиги билангина фарқ қилади. Халқаро ҳужжатлар биосфера резерватларининг асосий мақсадлари ҳамда вазифаларини, шунингдек, тегишли минтақа ва ҳудудларни ҳамда уларда қўриқхоналар тартиботидан фарқланадиган турли тартиботларни белгилаб қўйишни назарда тутади. Бу ҳол мамлакатимизнинг ягона биосфера резервати – «Чотқол» биосфера қўриқхонасига зарур вазифаларни бажариш ва шундай объектларнинг халқаро тармоғига тўлақонли тарзда қўшилиш имкониятини бермаяпти. «Нурота» қўриқхонаси негизида «Нурота – Қизилқум» биосфера резерватини ташкил этиш Глобал экология фонди томонидан молиялаштирилмоқда. Амалдаги қонун талабларига ўзгартишлар киритмасдан туриб, мазкур резерватни ташкил этиш ҳамда «Чотқол» биосфера қўриқхонасини қайта ташкил этиш асосида биосфера резерватига айлантириш мушкул.

Маълумки, давлат қўриқхоналари олдида ғоят муҳим вазифа турибди: улар келгуси авлодлар учун жонли табиатни дахлсиз ҳолда асраб қолмоғи лозим. Шу сабабли уларда табиий ресурслардан фойдаланишни истисно этадиган қаттиқ муҳофаза тартиботи ўрнатилмоғи зарур. Қўриқхоналар эмин-эркин кириб-чиқишлардан, оёқости қилишлардан холи этилиши керак. Уларда фақат илмий-тадқиқотлар ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Давлат қўриқхоналарида, амалдаги қонунга биноан, мутлақ тартибот жорий этилган бўлсада, амалда унга тўла риоя этилмаяпти. Уларда ҳанузга қадар атроф муҳитнинг мониторинги юритилишини таъминлашга муваффақ бўлинмаган. Негаки, қўриқхоналар тўртта турли идорага, шу жумладан, зиммасида табиий ресурслардан фойдаланиш вазифалари бўлган идораларга бўйсунади.

Давлат қўриқхоналари фаолиятини таҳлил этиш уларда қонун ҳужжатларини бузиш ҳоллари мавжудлигини кўрсатди. «Нурота» қўриқхонаси ерларининг бир қисми қонунга хилоф равишда тасарруфдан чиқарилган. «Сурхон» қўриқхонаси ҳудудида одамлар қонунга хилоф равишда яшаб келмоқда, деҳқончилик, чорва моллари боқиш, ем-хашак етиштириш, ёнғоқ ҳосилини йиғиштириб олиш билан шуғулланмоқдалар. Бундан ташқари, мазкур қўриқхонадан 2002 йилда қонунга хилоф равишда салкам уч минг гектар энг яхши ер олиб қўйилган ва ўтган йили бу ерларда ов уюштирилган. «Бадайтўқай» қўриқхонасининг бир қисмидан ҳам хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилмоқда. Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган архарларни – тоғ қўйларини «Нурота» қўриқхонасида отиб ов қилиш уюштирилгани маълум. Қўриқхоналардаги илмий-тадқиқотлар даражаси паст ёки улар умуман ўтказилмаяпти ҳисоб. Ўнлаб йиллар мобайнида бюджет маблағлари сарфлаб тўпланган илмий фондлар тизимга солинмаган, яроқсиз ҳолга келмоқда, бир қисми деярли йўқ бўлиб кетди.

Олий Мажлиснинг Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш йўлларини излашда ҳукумат билан биргаликда иш олиб бормоқда.

Аввало, идоравий тарқоқликни бартараф этиш мақсадида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ягона тизимини ривожлантириш ва уни бошқариш учун масъул ягона давлат органини белгилаб олиш зарур. Ҳозирги вақтда "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тайёрлаш доирасида шундай қилиш мўлжалланмоқда.

Қўриқхоналар ўзининг асосий вазифасини талаб даражасида бажариши, хусусан, экологик мониторинг бўғинлари ва негизи бўлиб қолиши учун мамлакатнинг барча минтақаларини қамраб оладиган ягона ташкилий ва ахборот тармоғига бирлаштирилиши ҳамда ягона услубият асосида иш олиб бориши, маълумотларни тўплаш ва ишлашнинг ягона тизимига эга бўлиши лозим. Бунинг учун уларнинг тармоғи ташкилий жиҳатдан бирлаштирилиши, яъни битта идора таркибида бўлиши керак. Негаки, ишларни яхшилаш йўлида алоҳида-алоҳида идоралар доирасида қилинган ҳар қандай уриниш, ҳаракат, кўрилган чора фақат сиртдан самара бергандек бўлади-ю, аммо ишнинг моҳиятига унча дахл қилмайди. Ўйлаймизки, ташкилий жиҳатдан бирлаштириш маъмурий ислоҳот доирасида ҳам муайян мақсадларга эришишга кўмаклашади.

Амалдаги Қонуннинг айрим камчиликларини инобатга олган ҳолда тайёрланаётган қонун лойиҳасига Ўзбекистоннинг ноёб табиий ҳудудларини ҳозирги ва келгуси авлодлар манфаатларини кўзлаб асраб қолишга қаратилган зарур ўзгартишлар киритиш таклиф этилаётир.

**Қ.ЖУМАБЕКОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси.**

**5 ИЮНЬ –**

***Жаҳон атроф муҳитни муҳофаза қилиш куни***



# Даволаниш учун Европага

***Германиянинг «Фриедендорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти вакиллари республикамиз «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорлик доирасида Ўзбекистондаги бемор болаларни Европа мамлакатлари клиникаларида даволаш ҳамда мурувват ёрдамини кўрсатиш учун пойтахтимизга ташриф буюрди.***

Ушбу халқаро ташкилот 1967 йилда ташкил этилган бўлиб, дунёдаги 25 та давлат билан ҳамкорлик қилади. Бундан мақсад — ривожланаётган мамлакатлардаги 12 ёшгача бўлган бемор ва ногирон болаларни даволаш ҳамда реабилитация қилишдир. Маълумки, аҳолининг муҳтож қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида республикамиз ҳукумати бир қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Бу жараёнда давлат ташкилотлари билан бирга нодавлат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этаётир.

Бундан уч йил муқаддам Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Фриедендорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти ҳамда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси уч томонлама ҳамкорлик шартномасини имзолаган эди. Ана шу шартнома асосида ҳозирга қадар республикамиздан жўнатилган 35 нафар бола Германия клиникаларида даволаниб келди. Эндиликда мазкур дастур янада ривож топмоқда.

Кеча германиялик делегация аъзолари «Соғлом авлод учун» жамғармаси қошидаги Тиббий ижтимоий марказда бўлиб, бемор болаларни тиббий кўрикдан ўтказишди.

— Биз барчамиз Ер деб аталмиш умумий маконда яшаймиз, — деди делегация раҳбари жаноб Рональд Гегенфуртнер. — Меҳр ва мурувват эса ҳар биримизнинг умумий фазилатимизга айланишини истайман. Бу сизнинг ҳукуматингиз олиб бораётган сиёсатда ҳам ўз аксини топган. Шу боис инсон саломатлиги борасидаги ишларимиз бу ерда янада авж олишига ишонаман.

Республикамизда 9 июнга қадар бўладиган «Фриедендорф Интернейшнл» ташкилоти аъзолари бу гал Жиззах, Сирдарё, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига ҳам ташриф буюриши кўзда тутилмоқда.

***Рустам* БОЙТЎРА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# *Чустда телеминора*

Чустда баландлиги 167 метрлик телеминора қурилиши жадаллик билан олиб борилаётир. Жорий йилнинг охирига қадар телевидение ва радиотўлқинларни қабул қилиш ҳамда узатишга мўлжалланган ушбу иншоотнинг биринчи навбати ишга туширилади.

Иншоот ишга тушгач, Фарғона водийси вилоятларида телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар ҳамда уяли алоқа хизмати сифати тубдан яхшиланади.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**"Халқ сўзи мухбири.**

Бугунги кунда НАТО дунёда хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризмга қарши курашда муҳим ўрин тутади. Бундан ташқари, ушбу ташкилот жаҳон ҳамжамияти тараққиётига жиддий таҳдид солаётган бошқа умумбашарий муаммоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга оширмоқда.

НАТО халқаро миқёсдаги илм-фанни ривожлантиришда ҳам фаол иштирок этаётир. Шимолий альянс, мана, 46 йилдирки, фан ва техника ҳамда атроф-муҳит бўйича дастурлар билан шуғулланиб келади. Хусусан, мамлакатимиз ҳам 1995 йилдан бошлаб НАТОнинг мазкур масалалар билан шуғулланадиган илмий қўмитаси билан яқиндан алоқа ўрнатган. 1996, 1997, 2001 ва 2003 йилларда Тошкентда ва 1998 йилда Самарқандда бўлиб ўтган НАТОнинг илмий семинарлари халқаро ҳамкорликнинг кенгайиши ва халқаро интеллектуал бозорга илмий-техникавий маҳсулотларнинг чиқишида муҳим омил бўлди. Бу семинарлар фанда инновацион жараёнларни ривожлантириш, илмий-техникавий тадқиқотларни молиялаштириш, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш каби масалалар муҳокамасида, айниқса, катта аҳамият касб этади. Семинарларда НАТОга аъзо ва шерик давлатлар — АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Германия, Бельгия, Туркия, Россия, Украина ҳамда Марказий Осиё давлатларидан йирик экспертлар қатнашган эди.

## Ўзбекистон — НАТО:
# Муштарак мақсадлар йўлида

Ўзбекистон олимлари билан ташкилотнинг илмий қўмитаси шуғулланаётган муаммолардан бири — бу сувдан оқилона фойдаланиш ва Орол муаммосидир. Яна илмий қўмитада "Виртуал ипак йўли дастури" номли лойиҳа ҳам мавжуд. Бу — ҳарбий лойиҳа эмас. Унда Марказий Осиё минтақасидаги олимларга ёрдам бериш кўзда тутилган. Лойиҳага кўра, Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари интернетнинг алоҳида тармоғига қўшилишади, натижада бу мамлакатлар олимлари ўзаро фикр алмашишлари ҳамда тадқиқотларини кенгайтиришлари учун имкониятлар яратилади. Марказий Осиёда Ўзбекистон бу лойиҳанинг энг фаол иштирокчиси ҳисобланади. Умуман, лойиҳаларнинг кўпчилиги, айнан Ўзбекистон билан боғлиқдир. Мамлакатимизда илмий семинар, турли йўналишлардаги фан ва техника, университетлар ва илмий марказларни қайта тузиш, интеллектуал мулк масалалари, илмий сиёсат, экологик жиҳатлар бўйича конференциялар ўтказилиб келинмоқда.

Ўзбекистон ва НАТО мамлакатимиз Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш, техника воситалари билан таъминлаш ва терроризмга қарши кураш доирасида самарали ҳамкорлик қилмоқда. "Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик" дастури доирасида Тошкентда Тайёрлаш марказини ташкил қилиш бўйича қўшма лойиҳа режалаштирилмоқда. Шунингдек, истиқбол режаларида ҳарбий-техникавий асбоб-ускуналарнинг етказиб берилишини тезлаштириш ва фуқаро мудофааси соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш назарда тутилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ва НАТО ўртасида ҳамкорликнинг Индивидуал дастури қабул қилинган. Дастурда 20 йўналиш бўйича 143 тадбир кўзда тутилган бўлиб, улар ичига тинчликни сақлаш ва қидирув-қутқарув амалиётлари бўйича қўмондонлик-штаб ва ҳарбий дала машғулотларини, инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш чоралари бор.

Яна бир катта лойиҳа Орол муаммоси билан боғлиқдир. Илмий қўмита мутахассислари у ерда ўзбек ҳамкорлари билан сув муаммоси бўйича тадқиқотлар ўтказишмоқда. Ўзбекистонда жуда катта миқдорда саноат чиқиндилари, ҳаммасидан ҳам, кимёвий чиқиндилар мавжуд. Чунки мамлакатимиз саноати илгари хомашёга ихтисослашган эди. Қўмита мутахассислари ўзбек олимлари билан биргаликда чиқиндилардан самарали фойдаланишни ўрганишмоқда.

Ёқилғи-энергетика муаммоси нафақат минтақамиз, балки бутун дунё мамлакатларини ўйлантирадиган масалалардан биридир. Шунинг учун давлатлар ва халқаро ташкилотлар бу муаммони ҳал қилишга ҳаракат қилишади. НАТО илмий қўмитасида ҳам арзон энергия ишлаб чиқаришга мўлжалланган, масалан, қуёш энергиясидан оқилона фойдаланиш бўйича лойиҳа мавжуд. 1999 йилда "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси илмий қўмитанинг "Илм-фан — тинчлик йўлида" номли дастурининг махсус грантини олишга муваффақ бўлди.

НАТО ЎзФА, кўплаб университет ва институтлар билан доимий алоқада. 2003 йилнинг июнида Тошкентда НАТО илмий қўмитасининг кўчма мажлиси ўтказилди.

Ўзбекистон алянснинг фаол грант олувчилари қаторига киради. 1993 йилдан буён НАТО Марказий Осиёда илмий ишлар ривожланиши учун 170 та лойиҳани молиялаштириб, 135 та грант ажратди. Улардан 78 таси ўзбек олимларига берилди.

Ўзбекистон ва НАТОнинг фан ва юқори технологиялар борасидаги ҳамкорлиги тенглик ва ўзаро манфаат асосида олиб борилади.

Ўзбекистоннинг ҳам, НАТОнинг ҳам асосий мақсади — тинчлик, хавфсизлик, демократия ва мамлакатларнинг иқтисодий равнақидир. Шу йўлда мамлакатимиз ҳам, НАТО ҳам дунёдаги барча давлатлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр.

**Ориф БОЙМАТОВ,**
**ЖИДУ магистранти.**

## Яраш борасида муҳим қадам

***Шимолий ва Жанубий Корея ҳарбий таҳдидларни пасайтириш юзасидан ўзаро келишувга эришдилар.***



***Икки мамлакатнинг юқори мартабали ҳарбийлари 20 соатдан ортиқ давом этган музокаралардан сўнг бу ҳақда маълум қилишди. Жанубий Корея бу келишувни ярашиш борасидаги муҳим қадам, деб баҳолади.***

## Депутатлар очлик эълон қилишди

***Белорус парламенти қуйи палатасининг уч депутати мамлакатда ҳукуматнинг ўзбошимчалигига қарши пайшанба кунидан бошлаб очлик эълон қилди. Улар Сайлов кодексига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклиф овозга қўйилмагани ҳамда «Республика» депутатлар етакчиси Валерий Фроловга сўз берилмагандан сўнг шундай қарорга келишди.***

## Кемага қурол ортилган экан

***Туркия полицияси Истамбул портида Украинадан Мисрга йўл олган кемани қўлга олдилар. Унга кўп миқдорда қурол-яроқ ортилган экан. Туркия маҳаллий матбуотининг хабар беришича, божхона ходимлари кемадаги икки контейнердан ракета учириш мосламалари, автоматлар ва бошқа ҳарбий анжомларни топишган. Манбада айтилишича, кема Украина байроғи остида сузиб келган.***



***Украина Ташқи ишлар вазирлиги мазкур ҳолат чуқур ўрганилаётганини маълум қилди.***

## Ракета синовдан ўтказилди

***Reuters ахборот агентлигининг Покистон Мудофаа вазирлиги берган маълумотга таяниб хабар беришича, Покистонда Ghauri деб номланувчи янги баллистик ракета синовдан ўтказилди. Ракета ядро бомбасини белгиланган манзилга етказишга мўлжалланган.***

## Биратўла икки истеъфо

***АҚШ Марказий разведка бошқармаси директори Жорж Тенет истеъфога чиқди. Бу ҳақда АҚШ Президенти Жорж Буш маълум қилар экан, Тенетнинг ушбу қарори унинг шахсий характери билан боғлиқлигини билдирди. У бошқармани июль ойи ўрталарида тарк этади ва унинг вазифасини директор ўринбосари Жон Маклоклин бажариб туради.***



***Айни пайтда Би-Би-Си мухбирининг хабар беришича, МРБнинг яна бир ходими—Махфий операциялар бошқармаси раҳбари Жеймс Павитт ҳам истеъфога чиқди. У МРБда 31 йил хизмат қилган.***

Хориж оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

# ОЛАМ НАФАСИ
## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

# «Қора олтин» ҳажми кўпаяди

Шу кунларда жаҳон иқтисодиётида нефть масаласи етакчи ўрин тутмоқда. Сўнгги пайтларда ушбу маҳсулот баҳосининг барқарор ўсиши дунё мамлакатлари иқтисодиётининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатаяпти. Нью-Йорк ва Лондон хом-ашё биржаларида «қора олтин»нинг баҳоси мисли кўрилмаган кўрсаткичларга етди. Яқинда мазкур маҳсулотни экспорт қилувчи давлатлар ичида етакчи ўринлардан бирини эгаллайдиган Саудия Арабистонида хорижлик ишчиларга нисбатан уюштирилган террорчиликлар шусиз ҳам оғир аҳволни янада чуқурлаштириб юборди. Жаҳон ҳамжамияти бундай шароитда тезкор чоралар кўра бошлади.



2 июнь куни Байрут шаҳрида Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (ОПЕК)нинг шу масалага бағишланган навбатдан ташқари 131-конференцияси бўлиб ўтди. Унда картель «қора олтин»нинг миқдорини 1 июлдан кунига 2 миллион, 1 августдан эса яна 500 минг баррелга кўпайтиришга қарор қилинди. Айтиш лозимки, бундай қарорга келиш картелга аъзо давлатлар учун осон кечмади. Чунки Саудия Арабистони маҳсулот ҳажмини зудлик билан кунига 2,5 миллион баррелга кўпайтиришни таклиф қилаётганди. Эрон эса бу кўрсаткич 1,5 миллион баррелда бўлиши тарафдори бўлди. Натижада картель аъзолари келишув йўлини танлашди.

Мазкур қарордан сўнг нефть бозорида маҳсулот нархининг пасайиши кузатилаяпти. Ўтган куни Нью-Йорк биржасида бир баррель нефтнинг баҳоси 1,26 долларга пасайиб, 38,7 долларни ташкил қилди.

Шундай бўлишига қарамай, баъзи мутахассислар картелнинг қарори нефть нархининг айтарли даражада ва барқарор пасайишига хизмат қилишига шубҳа билдиришмоқда. Улар ОПЕКка аъзо давлатлар нефть қазиб олишнинг ҳажмини кўпайтирган тақдирида ҳам жаҳон бозорига катта таъсир кўрсата олмайди, дейишмоқда.

Ҳозирги кунда Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари ва Кувайт биргаликда кунига режадагидан 1 миллион баррель кўп нефть қазиб олаяпти. Картелнинг қолган аъзо давлатлари ҳам «қора олтин» ишлаб чиқаришда деярли барча имкониятларини ишга солишмоқда.

Кўпчилик кузатувчилар ОПЕКнинг мазкур қарорига ижобий баҳо бераяпти. Қатар нефть саноати вазири Абдулла Аттия ОПЕК қарорини маъқуллаб, картелнинг июлга режалаштирилган учрашувигача, нефть бозорида ўзгаришлар рўй беришига умид билдирди.

ОПЕКка аъзо давлатларнинг навбатдаги учрашуви шу йилнинг 21 июлига режалаштирилган.




Рим. Мозий билан юзма-юз.

# Кличколар зарбаси

Украиналик машҳур боксчилар — ака-ука Виталий ва Владимир Кличколарнинг номи бугун бутун дунёга маълум. Уларнинг гоҳ қўлга киритаётган ютуқлари, гоҳ имконни бой бераётган ўйинлари ҳам ўзига хос. Ака-укалар ҳар бир ғалабаю мағлубиятни ҳам тенг кўришади, уларда бир-бирига бўлган меҳр, асло ёлғиз юрмасликларида ҳам бир ҳикмат бордек. Шунинг учун ҳам улардан бири мағлубиятга учраса, иккинчиси уни юпатади, ғалабани қўлга киритса, бу сенга ҳам албатта насиб этади, дея далда беришади. Ана шундай далдалар ва албатта тинимсиз шуғулланишлар боис бугун Виталий Кличко — ўта оғир вазнли боксчилар ўртасида жаҳон чемпиони.

— Ўзимга четдан қарасам, ўйлаган орзуимга етгандайман, — дейди тўнғич Кличко. — Аммо бу чўққида узоқроқ туриш мен учун янада муҳим. Бугун сенга мухлислик қилаётганлар, юртдошларингнинг нигоҳи, уларнинг ишончини оқлаш бу масъулиятни янада оширади.

Дарҳақиқат, шундай. Зеро, бугун бокс оламида Майк Тайсон, Леннокс Льюис сингари забардаст номлар турганида бундай юксак камарни қўлга киритиш осон эмас. Дарвоқе, Льюис — Кличко жанги ҳақида.

— Аниқки, агар Льюис билан кечаётган жангимни ҳакамлар тўхтатишмаганда, мен чемпионлик камарини ўшандаёқ қўлга киритардим. Бироқ кутилмаганда жанг тўхтатилди. Қошим ёрилиб, қон сизаётган бўлса-да, у мен учун хавотирли эмасди. Ўзимни йўқотмагандим. Майли, нима бўлганда ҳам рақибим ғолиб бўлди. Мен уни ўша пайтда реванш жанг ўтказишга таклиф этганимда рози бўлганди, аммо у ҳозирча рингда эмас. Яқинда Сандерс устидан ғалаба қозонганимда Леннокс Льюис келиб табриклади. Мен унга яна реванш жангини таклиф этганимда, «Ўйлаб кўрамиз», деди. Ўйлайманки, Леннокс боксга қайтади ва биз, албатта, рингда учрашамиз.

Шу ўринда айтиб ўтишимиз керакки, Кличколар навбатдаги «жанг»ларга шай туришибди. Уларнинг рақиблари айни пайтдаги чемпионлар билан бирга Леннокс Льюис, Рой Жонс ҳамда Майк Тайсон бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

**Мақсуд МИРЗО.**

# Инсон қиёфасини ўзгартириш мумкин

Ўтган йил охирида жаҳон матбуотида инсоннинг юзини трансплантация йўли билан кўчириб ўтказиш бўйича тажрибалар якунланиб қолгани ҳақида хабарлар пайдо бўлган эди. Шу йил май ойида эса бу иш бутунлай ниҳоясига етгани ҳақида маълум қилинди.

Замонавий тиббиёт тарихида инсоннинг юз терисини кўчириб ўтказиш бўйича бир нечта муваффақиятли операциялар амалга оширилган. Тўғрироғи, врачлар уч марта инсоннинг шилиниб кетган юзини қайта жойига тикишга муваффақ бўлишган. Масалан, New Scientist журналининг ёзишича, 1994 йилда Ҳиндистонда содир бўлган автоҳалокат натижасида бир қизнинг юзи бутунлай жойидан кўчиб кетади. Абраҳам Томас исмли врач унинг юзини ўз жойига тикади ва бир қанча вақтдан сўнг бемор тузалиб кетади. Тўғри, бу операцияда тиббиётчилар беморнинг юзини ўзига қайта тикишган. Аммо шу ҳолат олимлар бировнинг юзини бошқа бировга кўчириб ўтказиш ҳам мумкин, деган қарорга келишига замин яратди.

2002 йилда юзни бутунлай трансплантация қилиш йўлида дастлабки қадамлар ташланди. Британиялик хирург Питер Батлер янги ускуна яратди. У бир-бирига ёт тўқималарни бирлаштира олади. Питер Батлер бу ускуна ёрдамида инсон қулоғини кўчириб ўтказган эди.

Хуллас, ўтган йилнинг охирида британиялик шифокорлар юзни кўчириб ўтказиш масаласини тиббиёт нуқтаи назаридан бутунлай ҳал этиб бўлишди. Аммо машҳур Қирол хирургия коллежи жарроҳлари бировнинг юзини бошқа кишига кўчириб ўтказишга қарши чиқдилар. Гап шундаки, масаланинг маънавий-ахлоқий томони уларни қониқтирмади. Вафот этган кишининг юз терисини қандай қилиб шилиб олиш мумкин? Ахир, бу оддий инсоний-ахлоқий меъёрларга ҳам тўғри келмайдику? Бундан ташқари, вафот этган одамнинг юзи бошқа бировга қўйилса, донорнинг қариндошлари ўша кишини кўрганда қандай ҳолатга тушади?

АҚШлик хирург Жон Бейкер британиялик ҳамкасбларининг гапига қўшилмади. Айтганча, у 1999 йилда қўлни кўчириб ўтказиш бўйича муваффақиятли операция қилган эди. Унинг фикрича, бугун дунёда минглаб юз саратони касалига чалинган ёки бети бутунлай куйиб қолган беморлар бор. Уларни ҳаётга қайтариш учун вафот этган инсонлар юз терисини шилиб олиш ахлоқий-маънавий томондан унчалик салбий ҳодиса эмас. Иккинчидан, бирон-бир донорнинг бетини бошқа бир кишига кўчириб ўтказган билан бемор айнан донорга ўхшаб қолмайди. Чунки ҳар бир одамнинг мия ўлчами турлича. Бундан ташқари, кўзларда, лабларда, қовоқда фарқ бўлади. Шуларни ҳисобга оладиган бўлсак, юзи ўзгартирилган инсон ўзи ва донор ўртасидаги учинчи бир кишига айланади, дейди олим.

Хуллас, Британияда инсон юзини кўчириб ўтказиш керакми ёки йўқми деган мунозаралар давом этаётган бир пайтда АҚШдаги Луисвил университетининг Жон Бейкер раҳбарлигидаги хирурглари ҳукуматдан бундай операциялар ўтказишга рухсат олиб бўлишди. New Scientist журнали хабарларида айтилишича, бу ҳақда 30 варақдан иборат маъруза ҳам тайёрланган. Ҳозир америкалик хирурглар юзини алмаштиришга муҳтож бемор ва донор топиш билан шуғулланмоқда. Демак, яқин ойлар ичида инсоният тарихида тирик инсон вафот этган одам қиёфасига кириши мумкин.

**Д. ЭГАМҚУЛОВА**
**тайёрлади.**

# Ахборот маркази иш бошлади

Сайёрамиз табиати ранг-баранг, гўзал ва айни пайтда доимий ҳимояга муҳтож. Инсоният — унинг ажралмас бўлаги. Шу боис уни эъзозлаб, Она-табиат дея атаймиз.

Республикамизда ҳам ҳар йили 5 июнь Умумжаҳон атроф-муҳитни ҳимоя қилиш куни сифатида нишонланади. Шу муносабат билан республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида матбуот конференцияси ҳамда қўмита қошида тузилган Ахборот марказининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Қўмита раиси Б. Алихонов тадбир иштирокчиларини байрам билан қутлар экан, республикамизда бу борада олиб борилаётган ишлар, келгуси режалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтди.

Мазкур Ахборот марказининг ташкил этилишини нафақат мутахассислар, балки бир қатор давлат муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, хуллас, кенг жамоатчилик кутган эди. Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг саъй-ҳаракати ҳамда БМТ ривожланиш дастури ва ЕХҲТ каби халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари кўмагида ана шундай хайрли иш амалга оширилди. Бундан асосий мақсад эса, экологияга оид ахборотларнинг бошқариш тизимини яхшилаш, шунингдек, қўмитанинг кенг жамоатчилик билан ҳамкорлигини кенгайтиришдир.

Шу куни қўмитанинг Жиззах вилояти бўлими қошида табиат музейи очилиш маросими ҳам ўтказилди.

Анжуман иштирокчилари юртимиз табиатини асраб-авайлаш ватандошларимизнинг келажак олдидаги муқаддас бурчи эканлигига урғу бериб, бу ишга ҳамма-ҳаммани жалб этиш лозимлигини яна бир бор таъкидладилар.

**Р. ЁРЛАҚАБОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Вазир резолюцияни маъқуллади



***Ироқнинг янги ташқи ишлар вазири Хошияр Забарий БМТ Хавфсизлик Кенгаши йиғилишида сўзга чиқиб, ҳокимиятни ироқликлар қўлига берилишини тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдирди. У мамлакатда муваққат ҳукуматга ҳокимият тўлиқ берилиши айни пайтда жуда муҳимлигини таъкидлади. Забарий муҳокама қилинаётган резолюция лойиҳасини маъқулламоқда.***

РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН
ЛИНОЛЕУМЛАРНИ
ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.
Улгуржи нархлар. Ҳар доим
Тошкентдаги омбордан.
Телефон
134-48-11.

Katris ФИРМАСИ
МАКТАБ, КОЛЛЕЖ
ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАР УЧУН
МЕБЕЛЬ
ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА ТАЙЁРЛАЙДИ.
Мебель олсанг «Katris»дан, роҳат қиласан дилдан.
Тел.: 90-07-87, 92-03-95, 158-15-73.

O'ZSANOATQURILIShBANK
Кўпларни танишади – муносибларни танлашади !

Ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари
ва тадбиркорлар диққатига!
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОВАР-ХОМАШЁ БИРЖАСИ
2004 йил 8 июнь куни соат 11.00 да
пахта кунжараси ва шелухаси бўйича
Тошкент вилояти истеъмолчиларига
«Кимошди» савдосини ўтказади.
Савдога Тошкент ёғ-мой комбинатининг июнь ойи учун мўлжалланган маҳсулоти тақдим этилади.
Савдода қатнашиш учун 8 июнгача пахта кунжараси ва шелухасига бўлган бир ойлик эҳтиёж учун талабнома топшириш зарур.
Иштирокчиларни рўйхатга олиш 2004 йил 8 июнь соат 9.00 дан қуйидаги манзилда ўтказилади:
Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 53-уй.
Тақдим этилган маҳсулотнинг ҳажми, бошланғич нархи ва лотларга тақсимланиши тўғрисида тўлиқ маълумотни
Ўзбекистон Республикаси Товар-хомашё биржасидан олиш мумкин.
Маълумот учун телефон:
139-83-88, тел./факс: 139-22-27.

## Хабарлар оқимидан

### Талабалар ва амалиётчилар мулоқоти

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида Самарқанд вилояти маданият ишлари бошқармаси ходимлари самарқандлик талабалар билан учрашдилар. Учрашувдан мақсад институт битирувчиларини ўз касблари бўйича иш билан таъминлаш масаласини ҳал этишдан иборат эди.

Учрашувда сўзга чиққан вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Ф. Розиқов битирувчи ёшларни ўз мутахассисликлари бўйича вилоят ва туманлар маданият бўлимларига ишга таклиф этди.

Навбатдаги ана шундай учрашув Наманган вилояти маданият бошқармаси ходимлари билан ўтказилади.

**Гўзалхон ШАМСИЕВА.**

### Карикатурачи рассомлар ижодига ғамхўрлик

Урганч шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти карикатурачи рассомлар ижодий бирлашмаси — «Муштум» нодавлат нотижорат ташкилоти ўз фаолиятини бошлади. Ушбу ташкилот кўргазмали санъат соҳасидаги ҳаваскор ва сатирачи рассомларнинг ҳамкорликда ижод қилишларини ташкиллаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Эндиликда сатирачи рассомлар «Муштум» орқали ўз ижодий ишларини, тажрибаларини ўртоқлашадилар.

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### "Тулпор" узоқни кўзлайди

Болалар спорти боғчадан бошланиши керак. Шу боис ҳам, Кегайли туманидаги 54-умумтаълим мактаби спорт мажмуида Қорақалпоғистондаги болалар боғчалари ўртасида "Соғломжон — полвонжон" мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Кегайли туманидаги 14-боғчанинг "Тулпор" командаси биринчи ўринни эгаллади.

"Тулпор" спортда баланд чўққиларни кўзламоқда.

**Я. ҚЎЧҚОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**



## Йўл қоидаси — умр фойдаси

***Болани улғайтириш ота-она учун ҳам фарз, ҳам қарз. Шу боис фарзандларимизни доимо бағримизда ушлаймиз. Уларнинг оёғига тикан кирса, юрагимизга тиғ урилгандай бўлади. Лекин баъзида бефарқлик гирдобига ботганлар ҳам борки, ундайларга нима дейишга ҳайрон қолади, киши. Дейлик, ўғил-қизларимиз ҳар куни боғча, мактаб, олий таълим муассасаларига боришади ёки мол-ҳол боққани далага чиқишади. Ана шундай пайтларда болалар транспорт қатнайдиган йўллардан ўтиши табиий. Бироқ негадир уларни тергаб қўйиш, йўлдан ўтаётганда ҳушёр бўлишга ундашни ҳамиша ҳам ўйламаймиз.***

# Фарзандларимизни назоратсиз қолдирмайлик

Сир эмаски, йўл тасодифларга бой. Унда биров соз, бошқаси носоз транспортини ҳайдаб ўтади. Ёки айримлар турли кайфиятда машина бошқаради. Шундай пайтда ҳушёрликни унутади. Оқибатда кўнгилсизликлар содир этилади. Болалар ана шу кўнгилсизлик сабабчиси бўлиб қолаётгани кишини ташвишга солади. Бош қотиришга мажбур этади.

Тошкент туманидаги Собир Раҳимов кўчасида автофалокат содир бўлди. Тошкент шаҳридаги "Миконд" заводи ҳайдовчиси Ботир Қурбонов ўзига бириктирилган "КамАЗ-5320» русумли автомобилини бошқариб бораётиб, 5-синф ўқувчиси Феруза Каулована ҳамда аравачадаги Мухлиса Исроиловани уриб юборган. Натижада Каулова тан жароҳати олган, Исроилова эса касалхонада вафот этган.

Шунингдек, Урганч шаҳрини кесиб ўтувчи Шовот канали кўпригида автофалокат содир этилди. Унда тадбиркор Дилмурод Жуманиёзов бировга тегишли бўлган автомобилни ишонч қоғозисиз бошқариб бораётиб, 10-синф ўқувчилари Александр Горошко ҳамда Милана ва Кирилл Мингашевларни уриб юборган. Натижада опа-ука Мингашевлар касалхонада вафот этишган, Горошко эса тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилган.

«Когон-Қизилтепа-Азизобод» автомобиль йўлида Бухоро вилоятидаги "Ромитан" ширкат хўжалигининг Шўрчи қишлоғида яшовчи Охунжон Шукуров "ВАЗ-21063" русумли шахсий автомобилида бошқарувни йўқотиб, қарама-қарши келаётган пиёдалар — 11-синф ўқувчиси Марҳабо Аминовани ҳамда шу ширкат хўжалигида яшовчи Аббос Йўлдошевни уриб юборган. Аминова воқеа жойида вафот этган, Йўлдошев эса тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилган.

Келтирилган бу мисоллар жорий йилнинг ўтган тўрт ойи ичида содир этилган. Умуман олганда, ана шу муддат ичида республика бўйича болалар иштирокида 488 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиб, унда ҳалок бўлганлар сони 51 нафарни, турли даражадаги тан жароҳати олганлар 457 тани ташкил этди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХ Бош бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид қатор режа ва тадбирлар ишлаб чиқилган ва улар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.

Шу кунларда ўқувчиларнинг таътил мавсуми бошланди. Уларнинг кўпчилиги дам олиш уйларига, истироҳат боғларига кетдилар. Бундан ўқитувчи-мураббийларнинг болалар учун жавобгарлик масъулияти камайди, деган мазмун келиб чиқмаслиги керак. Гап шундаки, айни ёз кунлари – дам олиш ойликларида ўқитувчи-мураббийлар ўз ўқувчиларининг қандай юмушлар билан банд эканликларини билишлари, болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ва кўнгилли ўтказишлари йўлида чора-тадбирлар кўришлари лозим. Жумладан, мавсумни уйда, ота-оналари боғрида ўтказаётган болаларнинг катталар назоратидан четда қолмаслиги, кўча ва йўлларда юрганда йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишларини унутмасликларини уларга уқтириб туриш зарур. Бунда кўпроқ ота-оналар масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда фарзандларига кўчалар ва йўллардаги белгиланган махсус ўтиш жойларидан фойдаланиш зарурлигини тушунтиришлари фойдалидир. Айни пайтда маҳалла, қишлоқ фуқаролик йиғинлари жамоалари ҳам ҳар бир боланинг хатти-ҳаракатини эътибордан четда қолдирмасликлари, жамоат тартибини, айниқса, йўл ҳаракати қоидаларини бузаётган ўқувчиларга нисбатан чора кўришлари йўл-транспорт ҳодисалари олдини олишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Шунингдек, жойлардаги автохўжаликлар ва корхоналар, автосаройлар ҳайдовчилари ўртасида ҳам тез-тез тушунтириш ишлари олиб бориш, ўта ҳушёрлик билан транспорт воситаларини бошқариш зарурлигини, болалар серқатнов жойларда, аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда тезликни пасайтириб юриш лозимлигини уқтириб бориш даркор. Белгиланган қоидаларни бузган, болалар ҳаётига хавф соладиган хатти-ҳаракатларга эрк берган ҳайдовчиларга нисбатан кескин чоралар кўриш керак.

Мухтасар қилиб айтганда, доимо, айниқса, ёз мавсумида болаларнинг яхши ҳордиқ чиқаришлари йўлида барча бир ёқадан бош чиқариб, уларни ҳушёрликка чорлаб турса, назоратсиз қолдирмаса, йигит-қизлар иштирокидаги турли йўл-транспорт ҳодисаларига барҳам берилади.

**Анвар СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХ Бош бошқармаси тарғибот бўлинмаси бошлиғи, милиция подполковниги.**


«Автогаз» акциядорлик компанияси корхоналари ва тадбиркорлар диққатига!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОВАР-ХОМАШЁ БИРЖАСИ**

2004 йил 24 июнь,
22 июль, 24 август, 22 сентябрь
кунлари соат 11.00 да

**СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗНИ**

**сотиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда «Автогаз» АК корхоналари учун «Кимошди» савдосини ўтказади.**

Қатнашчилар 2004 йил савдо ўтказиладиган кунлари соат 9.00 дан 11.00 гача қуйидаги манзилда рўйхатга олинади: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 53-«А» уй.

«Кимошди» савдосида сотилган суюлтирилган газ маҳсулоти корхона томонидан савдо ўтказилган ойдан кейинги ойларда истеъмолчиларга етказиб берилади.

«Кимошди» савдосида иштирок этиш учун бир фоизли кафолат пули Ўзбекистон Республикаси Товар-хомашё биржасининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказилиши шарт: 20208000700600257010, ОПЕРУ АББ «Трастбанк», МФО 00491, ИНН 200933985.

Маълумот учун телефонлар:
**139-83-88, 136-10-20.**

9232Н/1273



**«ҚОДИРХЎЖА ЎҒИЛЛАРИ» МЧЖ**

мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари учун мебелларни арзон нархларда таклиф этади.




*Улгуржи харидорларга чегирмалар берилади.*

Телефонлар: 148-14-72, 104-49-17, 104-49-63, 104-49-67. Факс: 152-21-82.

9024П/934



**ESENYA**
ҚУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ

**ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:**

- БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
- БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
- БАССЕЙНЛАР;
- АКВАПАРКЛАР.

Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.

Эскириб қолган аттракционлар ва бошқа боғ жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.

**ESENYA**
Bau- und Handelinvestition GmbH
Traunreut - Deutschland
STAR PARK CATALOGUE



**БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН**

Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.



Ўзбекистонда ягона маккажўхори крахмали ишлаб чиқарувчи

**«Фулонг Индустриал» ҚК**

**ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА САНОАТ КРАХМАЛИ СОТАДИ.**

*Нархлар — келишилган ҳолда.*
*Тўлов шакли — пул ўтказиш йўли билан.*

*Дилерларни ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз.*
*Маккажўхори сотиб оламиз.*




Манзилимиз: Тошкент ш., Бектемир тумани, Бинокор қ., «Зироат» кўчаси, 1-уй.
Телефонлар: 58-48-97, 108-91-35, факс: 120-58-24,
e-mail: tglst@bcc.com.uz



СП "LOK Kolor SINTEZ"
ЗАВОД ЛАКОКРАСОЧНЫХ МАТЕРИАЛОВ

**ЛАКОКРАСОЧНЫЕ МАТЕРИАЛЫ**
**ДЛЯ НАРУЖНЫХ И ВНУТРЕННИХ РАБОТ**
По безналичному расчету

г. Ташкент,
ул. Фаргона йули, 13/22
Тел.: 191-47-41, 191-80-94
Факс: 191-74-63
E-mail: lokcolor@rol.uz




ЦВЕТ ПО КАТАЛОГУ ПРЕДПРИЯТИЯ ИЛИ ПО ПРЕДСТАВЛЕННОМУ ОБРАЗЦУ — ВОДОРАЗБАВЛЯЕМЫЕ, ЭКОЛОГИЧЕСКИ ЧИСТЫЕ — ОРГАНОРАЗБАВЛЯЕМЫЕ

Товар сертифицирован

7822Я/430


«O'zbekyengilsanoat» давлат акциядорлик компанияси жамоаси ишлар бошқарувчиси ўринбосари **Абдувакил АБДУҚОДИРОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси вазирликнинг масъул ходими Х. Раимовга синглиси **Январхон РАИМЖОНОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти миллий кенгаши Қашқадарё вилояти ҚЯОЖ кенгаши раиси **Фарҳод Очилович РЎЗИЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзавтойўл» давлат акционерлик компанияси жамоаси «Жиззахавтойўл» йўл қурилиш ҳудудий шўъба ташкилоти директори Зокир Мансуровга онаси **Ҳожал ая ОЧИЛОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон жангчи-фахрийлар (байналмилалчилар) бирлашмаси раҳбарияти бирлашманинг Хоразм вилояти бўлими кенгаши раиси Нормат Эшметовга волидаи муҳтарамаси **БИКАЖОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилоят прокуратураси жамоаси Янгийўл тумани прокурори Шуҳрат Ариповга падари бузруквори **ТУЙҒУН отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси университет «Фалсафа» кафедраси доценти Жўрақул Маҳкамовга онаси **АНОР аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**«Халқ сўзи» «Народное слово»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
**Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
**П. ДЮГАЙ,**
**Ш. ЖАББОРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
**Л. КУЧЕРЕНКО** (масъул котиб — «Народное слово»),
**М. МИРАЛИМОВ,**
**С. МУҲИДДИНОВ,**
**Ш. РИЗАЕВ,**
**А. САИДОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
**М. САФАРОВ,**
**И. ЎТБОСАРОВ,**
**А. ҲАЙДАРОВ,**
**Ў. ҲОШИМОВ.**

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 133-52-55;*
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 669, 28745 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Қоғоз бичими А — 2. Офсет усулида босилган.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва Б. ФАЙЗИЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Х. Эшманов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 1.10*
1 2 3 4 5